48 (652)-сон

— 5 —

568-молла

учинчи бўлим

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

568 Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатига ўзгартириш киритиш тўгрисида

Юридик шахс ташкил этмасдан хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни тартибга солиш максадида Вазирлар Махкамаси **қарор қилади:**

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 1-сон, 3-модда) билан тасдиқланган Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин булган фаолият турлари руйхатининг 72-бандидаги «(салоҳиятли абонентларни излаш, абонентлар ёки хизматлар курсатувчилар билан абонентлик шартномалари тузиш ва уларга маълумот-ахборот хизмати курсатиш, хизмат курсатувчиларнинг хизмати учун туловларни қабул қилиш)» сузлари «(абонентлар ёки хизматлар курсатувчиларга маълумот-ахборот хизмати курсатиш, хизмат курсатувчиларнинг хизмати учун туловларни қабул қилиш)» сузлари билан алмаштирилсин.
- 2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий норматив-хукукий хужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Узбекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2014 йил 25 ноябрь, 319-сон

